

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

463 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1552-2

(2010 йил 19 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 январдаги 1/8-сон қарори (рўйхат рақами 1552, 2006 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 11-сон, 89-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 ноябрь,
37/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
13 ноябрдаги 37/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза
қилиш тўғрисида»ги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республи-

каснинг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Архив иши тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 6-сон, 67-модда), «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда), «Банк сири тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 й., 19-сон, 174-модда), «Электрон рақамли имзо тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда) ва «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 112-модда) қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.»

2. 7-банднинг биринчи хатбоҳиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автоматлаштирилган банк тизимида маълумотлар киритиш ва ўзгартириш ваколатига эга бўлган ҳар бир масъул ходимнинг ишчи станциялари мазкур тизимга уланишга руҳсат берувчи аппарат — дастурий қурилмалар билан жиҳозланиши лозим.»

3. Қўйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹.Тизимга уланишга руҳсат берувчи аппарат — дастурий қурилмаларни бошқа шахсларга бериш ва қаровсиз қолдириш тақиқланади.»

4. 11-банд қўйидаги таҳрирдаги олтинчи хатбоҳи билан тўлдирилсин:

«Электрон тўлов тизими орқали жўнатилаётган ёки қабул қилинаётган барча электрон тўлов ҳужжатлари сўнгги базага эга антивирус дастури текширувидан ўтказилиши шарт.»

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори*

Х. МУҲИТДИНОВ

2010 йил 15 ноябрь